

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МЕДИА
МАЙДОНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ ВА УНИНГ ЁШЛАР
ФАОЛЛИГИГА ТАЪСИРИ (1991–2026)**

Қодиров Нажмиддин Неъматович

*Халқаро Нордик университети, Ижтимоий фанлар ва журналистика
кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент*

E-mail: n.qodirov@nordicuniversity.org

*Xalqaro Nordik universiteti magistratura talabasi **Adhambek Pirnazarov**
adhambekpirnazarov44@gmail.com*

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) тизими фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланиб, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим восита вазифасини бажариб келмоқда. Ёшлар ижтимоий фаоллигини юксалтиришда ОАВ ахборий, маърифий ва коммуникацион инфратузилмани таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўлади. Мазкур тезисда мамлакатда 1991–2026 йиллар мобайнида кечган медиа эволюциясининг тўрт босқичи — тизимнинг шаклланиши, майдоннинг кенгайиши, рақамлашув ва интернет-нашрлар юксалиши, шунингдек замонавий рақамли медиа-экотизимнинг ёшлар онгига икки томонлама таъсири — тарихий-хронологик ёндашув асосида умумлаштирилган.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич кечди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар ахборот эркинлигини таъминлаш ҳамда медиа соҳасидаги муносабатларни демократик тамойиллар асосида тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди. Тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, ахборот эркинлигини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви билан бир қаторда, рақамли платформаларнинг ёшлар дунёқарашига таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий тенденцияларни намоён этмоқда, бу эса медиасаводхонликни ошириш ва ахборотни танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантириш заруриятини кун тартибига қўймоқда.

МАТЕРИАЛЛАР ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқот хронологик-тарихий таҳлил усулига асосланиб, 1991–2026 йилларни камраб олади. Манба сифатида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва унга туташ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Олий Мажлис ҳужжатлари, Давлат статистика қўмитасининг расмий кўрсаткичлари, 2003 ва 2021 йилларда ўтказилган социологик сўровлар натижалари, матбуот ва интернет-нашрлар контент-таҳлили маълумотлари (жумладан, 2000–2001 ва 2023 йиллардаги таҳлиллар), шунингдек тадқиқотчилар ва халқаро ташкилотлар (ЮНЕСКО, БМТ, ХТИ) маълумотлари жалб этилган.

Манбалар давр бўйича тизимлаштирилиб, ОАВнинг ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсири мазмун ва миқдорий кўрсаткичлар асосида қиёсий-тарихий тарзда таҳлил қилинган. Тадқиқот усули тўртта хронологик босқични ўзаро солиштириш имконини берадиган комплекс ёндашувга асосланади: биринчидан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили; иккинчидан, статистик кўрсаткичлар динамикаси; учинчидан, социологик сўровлар натижалари; тўртинчидан, матбуот контентининг сифат таҳлили.

НАТИЖАЛАР

1991–2000 йиллар: медиа тизимининг шаклланиши. 1991 йилда мамлакатда 343 та газета, 50 та журнал, битта телерадиоканал ва битта ахборот агентлиги мавжуд эди. Ахборот тарқатиш воситалари истиқлол йилларида бозор муносабатлари ва ахборот индустрияси ривожланиш тенденциялари таъсирида мунтазам сон, шакл ва сифат жиҳатдан ўзгариб борди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ахборот маконида рақобат муҳити етарли даражада шаклланмаган бўлса-да, 1990-йиллар охирига келиб нодавлат ахборот манбаларининг пайдо бўлиши ахборот мазмунининг хилма-хиллигини оширди ва уни назорат қилишни мураккаблаштирди. Радиоканаллар аҳолини, айниқса ёшларни ахборот билан таъминлаш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим воситага айланди.

1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нодавлат ва жамоат электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш, жумладан Тошкентдаги «Гранд», «Ўзбегим таронаси», «Ҳамроҳ», «Орият-доно» каби нодавлат FM-радиостанцияларига, шунингдек Андижон ва Самарқанддаги минтақавий станцияларга жамоатчилик фикрини жалб этиш борасида ташаббус кўрсатди. Мақсад — радиожурналистлар фаоллигини ошириш ва ёш кадрларда ватанпарварлик, эркинлик, демократия ғояларига содиқликни шакллантириш эди. Шу билан бирга, янги аср чегарасида глобал тармоқнинг кенг тарқалиши ва ахлоқий номувофиқ хорижий матбуотнинг назоратсиз кириб келиши ёш авлод дунёқарашига салбий таъсир ўтказгани қайд этилиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига ўзгартириш киритилди (2007 йил 15 январь, ЎРҚ-78-сон). 2000–2001 йилларда «Ўзбекистонда дин масалалари» мавзусида ўтказилган матбуот контент-таҳлили натижасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни тарғиб қилиш зарурияти асосланди, шунингдек 2001 йил 18 январда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани таълим тизимида жорий этилди.

2001–2010 йиллар: медиа майдонининг кенгайиши ва рақамлашув бошланиши. 2001 йилга келиб нашрлар сони 490 газета ва 138 журналгача ошди, 3 та ахборот агентлиги фаолият юритди. 490 нашрдан 69 таси республика, 139 таси вилоят, қолганлари шаҳар ва туман аҳамиятидаги нашрлар бўлиб, 348 таси давлат назоратидаги, 62 таси жамоатчилик ташаббуси асосидаги, 41 таси диний ва тижорий характердаги нашрлар эди. 2003 йилда ОАВ сони 900 га яқинлашиб, 560 дан ортиқ газета, 165 журнал, 4 ахборот агентлиги, 70 та теле-радиоёшитириш ва 100 дан ортиқ электрон ахборот-коммуникация воситасини ўз ичига олди; нашрлар

Ўзбек, рус, инглиз, қозоқ, тожик, қорақалпоқ ва қорейс тилларида чоп этилди.

Интернет фойдаланувчилар сони 2001 йилдаги 137 мингдан 2003 йилда 500 мингга ошди. Ўтказилган социологик тадқиқотга кўра, респондентларнинг 93,0% и мунтазам телевидение кўзатган, 22,4% и учун давлат радиостанциялари, 35,9% и учун республика матбуоти муҳим маълумот манбаи ҳисобланган.

XXI аср бошида дунёда кечаётган рақамлашув ва глобаллашув жараёнлари интернетни ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирди: 1995 йилда жаҳонда интернет фойдаланувчилар сони 10 миллиондан ошган бўлса, 2005 йилда 1 миллиард, 2010 йилда 1,966 миллиардга етди. Бу жараён кенг имкониятлар яратиш билан бирга, турли хавфлар манбаига ҳам айланиши мумкинлиги тажрибада кузатилди — интернет тармоқлари ёшларнинг давлат ва жамият тараққиёти йўналишларига нисбатан қарашлари ўзгаришига, уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилди. Шу билан бирга, дунё ОАВларида тарқатилаётган ахборотнинг атиги 8% и ҳолис, 92% и эса манипуляцияга қаратилганлиги вазиятни янада мураккаблаштирди. 2010-йилларга келиб ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ортидан ОАВ жамиятда ахборот шаффофлигини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

2010–2020 йиллар: интернет-нашрлар ва ижтимоий тармоқларнинг юксалиши. 2016 йилда 395 та бўлган интернет-нашрлар сони 2024-йилга келиб 738 тага, соҳа бўйича экспертларни ҳам ўз ичига олган блогерлар сони эса 50 тадан 1200 тагача ошди. 2025 йил ҳолатига ўзбекистонлик ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг 98% и хорижий, атиги 2% и маҳаллий ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши замонавий ОАВнинг ёшлар ижтимоий фаоллигига таъсирини янада оширди. 2021 йилги тадқиқотда ёшларга берилган «Ўзингиз учун керакли маълумотни қаердан оласиз?» деган саволга 47% «интернет сайтларидан», 23% «дўст-дугона, танишлардан», 12% «телевизордан», 5% «китоб, кутубхонадан», 5% «ўқитувчимдан», 3% «ота-онамдан» деб жавоб берган. Бу натижа давлат ахборот сиёсатининг рақамли муҳитга мослашиб борилишини тақозо этди. 2022 йилда Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 31 миллиондан ошиб, шундан 29,5 миллиони мобил интернетдан фойдаланган.

2020–2026 йиллар: рақамли медиа-экотизим ва икки томонлама таъсир. 2025 йилга келиб Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра аҳолининг 94,2% и интернетдан фойдаланмоқда. Аҳолининг ярмидан ортиғи 27 ёшдан кичик бўлгани боис, ижтимоий тармоқлар айнан ёшлар учун ахборот, таълим ва ижтимоий мулоқотнинг етакчи каналига айланган — шу сабабли «ОАВ» атамасини 2025 йил ҳолатига анъанавий матбуот эмас, балки рақамли медиа-экосистема (Telegram, Instagram, YouTube, TikTok ва блогерлар) билан тенглаштириш методологик жиҳатдан асосли деб баҳоланмоқда. 2023 йилда «Ёшлар интернет-макон кўзгусида» мавзусидаги мониторинг доирасида President.uz, Xs.uz, Kun.uz,

Gazeta.uz каби нашрларда 298 та мақола таҳлил қилинган бўлиб, уларнинг энг кўпи фан ва ёшлар таълими (26,4%), ёшлар ва сиёсат (22,9%) мавзуларига бағишланган.

Ижобий жиҳатдан ёшлар онлайн таълим ресурсларига (Coursera, YouTube таълим каналлари, хорижий тил курслари) эга бўлиб, тадқиқот хронологик доирасидан ташқарида бўлса-да, 2026 йил апрелида эълон қилиниши режалаштирилган «Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030» стратегиясида 450 минг ёшни хорижий тилда В2 даражасига олиб чиқиш ва 20 минг ёшни Гарвард, Стэнфорд, MIT каби муассасалар билан ҳамкорликда ўқитиш назарда тутилгани рақамли ОАВ яратган эҳтиёжнинг давомийлигидан далолат беради. Тадбиркорлик соҳасида ёш тадбиркорлар ўз лойиҳаларини ижтимоий тармоқлар орқали тақдим этиш ва халқаро инвесторлар билан боғланиш имкониятига эга бўлди. Фуқаролик иштироки жиҳатидан Telegram ва Instagram-даги танқидий муҳокамалар давлат амалдорларини жавоб беришга мажбур қиладиган механизмга айланди — 2026 йил январиди Олий Мажлисида бу борада қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳам расмий тан олинисидан далолат беради.

Салбий томондан эса ресурслар манбаи бўлган интернет ва ижтимоий тармоқлар ёшларда медиасаводхонлик етарли эмаслиги ортидан ғоявий таҳдид манбаи сифатида ҳам гавдаланади. Халқаро тадқиқотлар ижтимоий тармоқлардан ортиқча фойдаланиш ўсмирлар рухий саломатлигига, жумладан депрессия, хавотир ва уйқу бузилишларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлайди. Қатор давлатларда ёшлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чеклаш бўйича ташаббуслар илгари сурилмоқда, бироқ уларнинг аксарияти ҳали тўлиқ ҳуқуқий тақик шаклида жорий этилмаган. «Янги Ўзбекистон»да ёшлар дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш орқали шаклланмоқда — сўровларга кўра ёшларнинг 68% и бу қадриятларни глобал тамойиллар билан интеграция қилишга интиломоқда.

МУҲОКАМА ВА ХУЛОСА

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ОАВ тизими 35 йил мобайнида кескин трансформацияга учради: анъанавий матбуот ва телерадиодан рақамли медиа-экотизимга ўтиш содир бўлди — 1991 йилдаги 343 газета ва 50 журналдан 2020-йиллар ўртасидаги минглаб онлайн-нашр ва блогерлик каналларигача бўлган йўл босиб ўтилди. Ушбу трансформациянинг ҳар бир босқичи ўзига хос қонуниятга эга бўлди: 1990-йилларда медиа тизимининг институционал асослари шаклланди, 2000-йилларда майдон миқдорий жиҳатдан кенгайди, 2010-йилларда интернет-нашрлар ва ижтимоий тармоқлар устувор ахборот манбаига айланди, 2020-йиллардан бошлаб эса ОАВ тушунчасининг ўзи рақамли платформалар билан алмашина бошлади.

Интернет ва мобил технологиялар ёшларнинг таълим олиш, ўз-ўзини ривожлантириш ва жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди, сўз эркинлиги ва ахборот очиқлигининг кенгайиши уларнинг фуқаролик фаоллигини кучайтирди. Шу билан бирга,

кибербуллинг, ахборот манипуляцияси ва интернетга қарамлик каби хавфлар ҳам кучайиб бормоқда, айна вақтда ёшлар онгини шакллантиришда рақамли муҳит анъанавий ижтимоий институтлар (оила, мактаб, маҳалла) ўрнини тобора эгаллаб бораётганини намойиш этмоқда. Шу боис давлат, жамият ва академик муҳит ҳамкорлигида ёшларда медиасаводхонлик ва ахборотни танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек миллий ахборот контентининг улушини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланади. Оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалар — ёшлар ижтимоий фаоллигининг ахборий, маърифий ва коммуникацион инфратузилмасини таъминловчи асосий восита бўлиб қолмоқда, бироқ уларнинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳукукий ва педагогик чоралар изчил давом эттирилиши, шунингдек ёшларни инновацион фаолиятга йўналтириш ва масофавий таълимни ривожлантириш зарурлиги илмий асосланмоқда.

Таянч сўзлар: оммавий ахборот воситалари, ёшлар ижтимоий фаоллиги, медиа эркинлаштириш, рақамли медиа-экотизим, ижтимоий тармоқлар, медиасаводхонлик, фуқаролик жамияти, Ўзбекистон.

АСОСИЙ ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 541-I-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/1106870>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги 400-I-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/1319>.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-78-сонли қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>.
5. Расулова З.А. Ёш авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни // Замонавий таълим / Современное образование. 2021, 6 (103). – Б. 11–17.
6. Facts and Figures 2025. Internet use. Statistics. <https://www.itu.int/itu-d/reports/statistics/2025/10/15/ff25-internet-use/>.
7. Sandro G., Gillian J.B. Social media and adolescent mental health: A consensus report of the National Academies of Sciences, Engineering, and Medicine // PNAS Nexus, Volume 3, Issue 2, 2024, pgae037. <https://doi.org/10.1093/pnasnexus/pgae037>.
8. 94,2 % населения Узбекистана пользуются интернетом. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/64212>.